**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ**
**БУЙРУҒИ**

2017 йил "3" март №116 Тошкент ш.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 февралдаги "Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тўғрисидаги Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги 103-сон қарори ижросини таъминлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 февралдаги "Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тўғрисидаги Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги 103-сон қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Вазир ўринбосарлари, бошқарма ва бўлим бошлиқлари, Бош илмий методик марказ директори, ОТМ ректорлари ва филиаллар директорлари, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказлари директорларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 февралдаги "Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тўғрисидаги Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги 103-сон қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Янги дастурлар ва ўқув адабиётларининг жорий этилишини назорат қилиш бош бошқармаси (О.Исмоилов), Бош илмий-методик марказ(У.Бегимкулов)га:

Бир ой муддатда қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари якунидаги аттестациядан ўтмаган олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрлари учун масофавий ўқитиш курсларини ташкил этиш ва жорий йилнинг 1 майидан бошлаб масофадан ўқитишнинг он-лайн ва офф-лайн шаклларида такрорий қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларини самарали ташкил этиш юзасидан зарурий тайёргарликни амалга оширилишини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш вазифалари юклатилсин.

3. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари бўйича таянч олий таълим муассасалари ректорлари, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказлари директорларига:

бир ой муддатда масофавий ўқитиш технологиялари асосида олий таълим муассасалари педагог кадрлари учун ташкил этиладиган қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг тегишли ўқув-методик ресурсларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш;

ўқув-методик ресурсларни Бош илмий-методик марказ порталининг масофавий малака ошириш саҳифасига жойлаштирилишини таъминлаш ва узлуксиз янгилаб бориш;

тингловчиларнинг эҳтиёжлари асосида йиллик режа доирасида қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишлари бўйича бир гуруҳдаги тингловчилар сони камида 5 нафар этиб белгиланишидан келиб чиққан ҳолда рус гуруҳларини шакллантириш вазифалари юклатилсин.

4. Олий таълим муассасалари ректорлари, филиаллар директорларига:

олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини Олий таълим муассасаларини раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тўғрисидаги Низомга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан яқиндан таништирсин;

жорий йилнинг 25 мартига қадар 2017 йилда тегишли қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишлари бўйича такрорий курслардан ўтиши режалаштирилган раҳбар ва педагог кадрлар ҳақидаги маълумотлар базасини шакллантириш ва номзодларнинг тасдиқланган рўйхатини Бош илмий-методик марказнинг bimm@edu.uz электрон манзилига юборилишини таъминласин.

5. Бош илмий-методик марказ (У.Бегимкулов), Янги дастурлар ва ўқув адабиётларининг жорий этилишини назорат қилиш бош бошқармаси (О.Исмоилов), Бош ҳуқуқшунос (Р.Сулейманова) жорий йилнинг 25 мартига қадар манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мазкур қарорга мувофиқлаштирилишини таъминлаш вазифаси топширилсин.

6. Мазкур буйруқ ижроси юзасидан назорат вазирнинг биринчи ўринбосари И.Маджидов зиммасига юклатилсин.

**Вазир** **Р.Касимов**

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ

ҚАРОРИ

ПОСТАНОВЛЕНИЕ

КАБИНЕТА МИНИСТРОВ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

„27" февраль 2017 й. г. № 103

Тошкент ш. – г. Ташкент

**Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тўғрисидаги Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармонига мувофиқ олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимининг ўқитиш шакллари ва усулларини, педагог кадрлар таркибининг сифат даражасини замонавий талаблардан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги 242-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚҲТ, 2015 й., 33-сон, 442-модда) билан тасдиқланган Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тўғрисидаги Низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Таълим ва илм-фан масалалари ахборот-таҳлил департаментига ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири Р.С.Қосимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири** **А. Арипов**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
Умумий бўлим № 3

O'zbekiston Respublikasi
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
Qabul № 345
20 17 y. 28 02

Вазирлар Махкамасининг
2017 йил 27 февралдаги 103-сон қарорига
илова

**Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тўғрисидаги Низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 12-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

"12. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқиш якунлари бўйича аттестациядан ўтмаган олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрлари бир йил мобайнида пулли асосда ўқишнинг тегишли ёки турдош йўналиши (мутахассислиги) бўйича кейинги қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси якунида аттестациядан ўтиши шарт.

Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларини такроран ўзлаштириши асосий ишдан ажралмаган ҳолда курсларнинг ўқув дастурларини мустақил равишда ёки масофадан ўқитиш усуллари орқали ўзлаштириш асосида амалга оширилади.

Мустақил равишда ёки масофадан ўқитиш усуллари орқали қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари ўқув дастурлари бўйича тайёрланиб келган тингловчилар якуний аттестацияга киритилади. Якуний аттестация тегишли йўналишлар бўйича таянч олий таълим муассасалари ҳузуридаги аттестация комиссиялари томонидан амалга оширилади".

**2.** Қуйидаги мазмундаги $12^1$-банд қўшилсин:

"$12^1$. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида узрсиз сабабларга кўра дарс қолдиргани учун тингловчилар сафидан чиқарилган олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрлари пулли асосда қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсидан такроран ўтиши ҳамда ўқишнинг тегишли йўналиши (мутахассислиги) бўйича кейинги қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсида аттестациядан ўтиши шарт.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидан такроран ўтиш 288 соат ҳажмида ташкил этилади".

**3.** 13-банднинг иккинчи хатбошидаги "3 йил" сўзлари "бир йил" сўзлари билан алмаштирилсин.

**4.** 16-банднинг ўзбек тилидаги матнининг учинчи хатбошидаги "базавий" сўзи "таянч" сўзи билан алмаштирилсин.

**5.** 18-банднинг учинчи хатбошидаги ва 35-банднинг иккинчи хатбошидаги "Низом 12 ва 13-бандларининг" сўзлари "Низом $12^1$ ва 13-бандларининг" сўзлари билан алмаштирилсин.

**6.** 23-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

"23. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

умумий раҳбарликни амалга оширади, қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг ўқув жараёнини такомиллаштириш механизмлари ва услубларини белгилайди, тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни (масофадан ўқитиш таълим усулларини ташкил этиш ва ўтказиш, тингловчиларнинг битирув (лойиҳа)



ишини тайёрлаш ва ҳимояга тақдим этиш, педагогик (малакавий) амалиётни ташкил этиш ва ўтказиш тартибларини) тасдиқлайди, шунингдек қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишларининг олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлар классификатори билан мутаносиблигини таъминлайди;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидан, шунингдек масофадан ўқитиш усуллари орқали курслардан ўтиши керак бўлган тингловчиларнинг прогноз қилинаётган контингентини белгилайди;

олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг талаб қилинадиган малакасини таъминлаш бўйича мақсадли топшириқларни тасдиқлайди".

**7.** 24-бандда:

а) ўзбек тилидаги матнининг тўртинчи хатбошидаги "базавий" сўзи "таянч" сўзи билан алмаштирилсин;

б) қуйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши қўшилсин:

"курслар якунидаги аттестациядан ўтмаган тингловчилар учун таянч олий таълим муассасалари томонидан тегишли йўналишларнинг ўқув дастурига мос ҳолда ишлаб чиқилган ўқув-методик ресурслар асосида масофадан ўқитишнинг онлайн ва оффлайн шаклларида такрорий қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларини ташкил этади";

в) олтинчи – ўн иккинчи хатбошилар тегишли равишда еттинчи – ўн учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

**8.** 25-бандда:

а) қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши қўшилсин:

"масофадан ўқитиш усуллари асосида олий таълим муассасалари педагог кадрлари учун ташкил этиладиган қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг тегишли ўқув-методик ресурсларини ишлаб чиқади";

б) тўртинчи – саккизинчи хатбошилар тегишли равишда бешинчи – тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

**9.** 30-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

"Масофадан ўқитиш усуллари асосидаги такрорий курсларда ўқув машғулотлари онлайн ва оффлайн шаклларида ташкил этилади".

**10.** 32-бандга қуйидаги мазмундаги хатбошилар қўшилсин:

"Истисно тариқасида:

тингловчилар контингенти етарли бўлмаган йўналишларда, жумладан рус ёки қорақалпоқ тилида дарс олиб бориладиган гуруҳларда, тингловчилар контингенти бир гуруҳ меъёрида йиғилмайдиган кам сонли алоҳида таълим йўналишларида ўқув жараёнини ташкиллаштиришда бир гуруҳдаги тингловчилар сони камида 5 нафар этиб белгиланиши мумкин;

йил давомида 5 нафаргача педагог кадрлар йиғилмайдиган алоҳида таълим йўналишларида малака ошириш гуруҳи мавжуд ҳолатдан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишган ҳолда, қайта тайёрлаш ва малака ошириш бўйича таянч олий таълим муассасасининг буйруғи билан тингловчилар сони 5 нафардан кам гуруҳ

шакллантирилиши ёки улар учун малака ошириш масофадан ўқитиш усуллари орқали амалга оширилиши мумкин".

**11.** 34-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

"Масофадан ўқитиш усуллари асосидаги такрорий курсларда тингловчиларнинг ассисмент топшириқлари (жорий назорат) онлайн шаклида ташкиллаштирилади".

**12.** Низомга илованинг (Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларини ташкил этиш схемасининг) 5-босқичидаги "пулли асосда курслардан такроран ўтиши ва ўқишнинг тегишли йўналиши" сўзлари "пулли асосда ўқишнинг тегишли йўналиши" сўзлари билан алмаштирилсин.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ**

**ҚАРОРИ**

**ПОСТАНОВЛЕНИЕ**

**КАБИНЕТА МИНИСТРОВ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

"27" февраля 2017 й. г. № 103 Тошкент ш. – г. Ташкент

**О внесении изменений и дополнений в Положение о курсах переподготовки и повышения квалификации руководящих и педагогических кадров высших образовательных учреждений**

В соответствии с Указом Президента Республики Узбекистан от 12 июня 2015 года № УП-4732 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы переподготовки и повышения квалификации руководящих и педагогических кадров высших образовательных учреждений», в целях совершенствования методов и форм обучения в системе переподготовки и повышения квалификации руководящих и педагогических кадров, исходя из современных требований к качественному уровню педагогических кадров высших образовательных учреждений, Кабинет Министров постановляет:

1. Внести изменения и дополнения в Положение о курсах переподготовки и повышения квалификации руководящих и педагогических кадров высших образовательных учреждений, утвержденное постановлением Кабинета Министров от 20 августа 2015 года № 242 (СЗ Республики Узбекистан, 2015 г., № 33, ст. 442), согласно приложению.

2. Министерству высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан совместно с министерствами и ведомствами в месячный срок привести принятые ими ведомственные нормативно-правовые акты в соответствие с настоящим постановлением.

3. Контроль за исполнением настоящего постановления возложить на Информационно-аналитический департамент по вопросам образования и науки Кабинета Министров Республики Узбекистан и министра высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан Касимова Р.С.

Умумий бўлим № 3

**Премьер-министр Республики Узбекистан** **А. Арипов**

Приложение
к постановлению Кабинета Министров
от «27» февраля 2017 г. № 103

**Изменения и дополнения, вносимые в Положение о курсах переподготовки и повышения квалификации руководящих и педагогических кадров высших образовательных учреждений**

1. Пункт 12 изложить в следующей редакции:

«12. Руководящие и педагогические кадры высших образовательных учреждений, не прошедшие аттестацию по итогам обучения на курсах переподготовки и повышения квалификации, обязаны в течение одного года повторно пройти аттестацию по итогам следующего курса переподготовки и повышения квалификации на платной основе по соответствующему или родственному направлению (специальности) обучения.

Повторное освоение учебных программ курсов переподготовки и повышения квалификации руководящих и педагогических кадров высших образовательных учреждений осуществляется без отрыва от основной работы самостоятельно или на основе методов дистанционного обучения.

Слушатели, осваивающие учебные программы курсов переподготовки и повышения квалификации самостоятельно или на основе дистанционных образовательных технологий, допускаются на итоговую аттестацию. Итоговая аттестация по соответствующим направлениям проводится в аттестационных комиссиях при базовых высших образовательных учреждениях».

**2.** Дополнить пунктом $12^1$ следующего содержания:

«$12^1$. Руководящие и педагогические кадры высших образовательных учреждений, отчисленные из числа слушателей курсов переподготовки и повышения квалификации за пропуск занятий по неуважительным причинам, обязаны на платной основе повторно пройти курсы, а также аттестацию по соответствующему направлению (специальности) в последующих курсах переподготовки и повышения квалификации.

Повторное прохождение курсов переподготовки и повышения квалификации организовывается в объеме 288 часов».

**3.** В абзаце втором пункта 13 слова «3-х лет» заменить словами «одного года».

**4.** В абзаце третьем пункта 16 текста на узбекском языке слово «базавий» заменить словом «таянч».

**5.** В абзаце третьем пункта 18 и абзаце втором пункта 35 слова «пунктов 12 и 13 настоящего Положения» заменить словами «пунктов $12^1$ и 13 настоящего Положения».

**6.** Пункт 23 изложить в следующей редакции:

«23. Министерство высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан:



осуществляет общее руководство, определяет механизмы и методы совершенствования образовательного процесса курсов переподготовки и повышения квалификации, утверждает соответствующие нормативно-правовые документы (порядок организации и проведения дистанционного обучения, порядок подготовки и представления на защиту выпускных (проектных) работ слушателей, а также порядок организации и проведения педагогических (квалификационных) практик слушателей), а также обеспечивает соответствие Классификатора направлений и специальностей высшего образования и направлений курсов переподготовки и повышения квалификации;

определяет прогнозный контингент слушателей, подлежащих прохождению курсов переподготовки и повышения квалификации;

утверждает целевые задания по обеспечению требуемой квалификации руководящих и педагогических кадров высших образовательных учреждений».

**7.** В пункте 24:

а) в абзаце четвертом текста на узбекском языке слово «базавий» заменить словом «таянч»;

б) дополнить абзацем шестым следующего содержания:

«для слушателей, не прошедших аттестацию, организуются повторные курсы переподготовки и повышения квалификации в онлайн и оффлайн формах дистанционного обучения на основе учебно-методических ресурсов, разработанных базовыми высшими образовательными учреждениями, согласно учебной программе по соответствующим направлениям»;

в) абзацы шестой – двенадцатый считать соответственно абзацами седьмым – тринадцатым.

**8.** В пункте 25:

а) дополнить абзацем четвертым следующего содержания:

«разрабатывает учебно-методические ресурсы соответствующих курсов переподготовки и повышения квалификации, организуемых на основе методов дистанционного обучения, для педагогических кадров высших образовательных учреждений»;

б) абзацы четвертый – восьмой считать соответственно абзацами пятым – девятым.

**9.** Пункт 30 дополнить абзацем следующего содержания:

«Учебные занятия повторных курсов на основе методов дистанционного обучения организуются в онлайн и оффлайн формах».

**10.** Пункт 32 дополнить абзацами следующего содержания:

«В порядке исключения:

в рамках организации учебного процесса по направлениям с недостаточным количеством слушателей, в том числе в группах с русским или каракалпакским языками обучения, с малым контингентом слушателей, для формирования группы по установленной норме по отдельным направлениям

обучения – количество слушателей в одной группе может быть установлено не менее 5 человек;

исходя из ситуации, когда в течение года количество слушателей по отдельным направлениям составляет менее 5 человек, по согласованию с Министерством высшего и среднего специального образования, приказом базового высшего образовательного учреждения по переподготовке и повышению квалификации в течение года могут быть сформированы группы с количеством слушателей менее 5 человек или для них применяются дистанционные методы повышения квалификации».

11. Пункт 34 дополнить абзацем следующего содержания:

«На повторных курсах на основе методов дистанционного обучения задания ассесментов (текущий контроль) слушателей организуются в онлайн форме».

12. В 5-м этапе приложения к Положению (Схема организации курсов переподготовки и повышения квалификации руководящих и педагогических кадров высших образовательных учреждений) слова «повторно пройти на платной основе курсы и аттестацию в сроки проведения следующего курса по соответствующему направлению» заменить словами «повторно пройти на платной основе курсы по соответствующему направлению».

Умумий бўлим № 8